

4-1-2018

EMPLOYMENT OF THE POPULATION IS AN IMPORTANT DETERMINATION OF HIGH DEGREE OF ECONOMIC RELATIONS

A. Bozorov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Bozorov, A. (2018) "EMPLOYMENT OF THE POPULATION IS AN IMPORTANT DETERMINATION OF HIGH DEGREE OF ECONOMIC RELATIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 14.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Бозоров А.Р. ТМИ, катта ўқитувчи
Мадихонов Ш.О. ТМИ, талаба

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЕТУКЛИК ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ ОМИЛ

Мақолада республикамизда сўнги йилларда аҳолининг иш билан бандлиги бўйича ҳозирги кун таҳлили, аҳолини иш билан таъминлашнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ёритилган.

В статье проведен анализ проводимых в последние годы в республике реформ по обеспечению населения рабочими местами и о роли занятости населения в экономике страны.

This article is written about current analysis of employment, the role of hiring people in the economy of the country and reforms carried out into the practice in our Republic in the last years.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, ижтимоий таъминот, бандлик, микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, меҳнат ресурслари, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ривожланиш стратегияси, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, саноат.

Ключевые слова: экономика, социальное обеспечение, занятость, микроэкономика, макроэкономика, трудовые ресурсы, малый бизнес, частный бизнес, стратегия развития, производство, сервис, промышленность.

Key words: economy, social guarantee, being busy, microeconomics, macroeconomics, labour resource, small bizness, private discretion, developing strategy, produce, service, industry.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ҳамда мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўллариининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилаётганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ривожлантиришнинг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатлари йўли танланиши қатор макроиқтисодий муаммоларни ҳал этиш масаласини юзага келтирди. Шундай макроиқтисодий муаммолардан бири аҳолининг иш билан бандлигини тўла таъминлаш ҳисобланади.

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин: иш билан бандлик — фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид

келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.[1]

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича қуйидаги бир қатор муаммолар ва камчиликлар кўриб чиқилиб ўз ечимини топмоқда:

✓ иш билан таъминланишга муҳтож аҳоли сонининг кўплиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги;

✓ хорижда ишлаб қайтганларни иш билан таъминлаш борасидаги ишларнинг самараси паст эканлиги, бу борада мавжуд имкониятларнинг ишга солинмаганлиги;

✓ касаначилик иш жойларини кўпайтириш имкониятлари ишга солинмаётганлиги;

✓ янги объектларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ишлари (натижадорлигининг паст эканлиги);

✓ ташкил этилган иш жойларининг салмоқли қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгалиги;

✓ иш билан банд аҳолининг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида банд этилганлиги.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 1992 йил 13 январда “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унга 1998 йил 1 майда баъзи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Қонунда аҳолининг иш билан бандлигининг асосий принциплари ифодалаб берилган. Бундан ташқари, 2016 йил 13-декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ялпи йиғилишида “2017 йилда аҳоли бандлиги дастури” қабул қилинди. Шунини алоҳида қайд қилиш керакки, республикаимизда аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси” ташкил қилинган ва ушбу жамғарманинг даромадлар манбалари ва харажатлари фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган.[2]


“Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлиси”да аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бир неча вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947 – сонли Фармонида ҳам ишсизлик муаммосини ҳал этиш борасида Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилган.

Дастурда аҳоли бандлигини ошириш бўйича янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш тадбирлари белгилаб берилган.[3]

Ушбу дастур доирасида меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туман ва шаҳарлар рўйхатини аниқлаш, ушбу туманларда аҳоли бандлиги дастурларининг манзилли рўйхатлари, кичик саноат зоналари, хизматлар соҳасини ривожлантириш, чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхона хўжалиklarини барпо этиш, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари учун янги «старт-ап» лойиҳаларини амалга оширишга микрокредитлар ва лизинг асосида ишлаб чиқариш воситаларини ажратиш орқали аҳолининг айниқса ёшларнинг бандлигини таъминлаш ишлари белгилаб олинган.


Иш ўринларини яратиш борасида 2017 йилда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ва янги иш ўринлари сони қуйидаги расмда келтирилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2017 йилда оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ва янги иш ўринлари сони (минг та).

Иш ўринларини яратиш борасида 2017 йил давомида саноат тармоқларида 5440 та лойиҳа ва шу асосда 131 мингта иш ўрни, қишлоқ хўжалигида 8430 лойиҳада 55,8 мингта иш ўрни ва хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 11 мингта лойиҳа 69,5 мингта иш ўрни яратиш бўйича вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг фаолиятини кучайтириш белгиланган.

Республикамизнинг айрим ишсизлик даражаси ва меҳнат бозорида талаб юқори бўлган чекка туманларидаги ҳолатни тубдан яхшилаш мақсадида, қуйидаги расмда келтирилган тадбирлар амалга оширилиши ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топди.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси ишсизлик даражаси юқори бўлган ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган туманларида янги иш ўринлари яратишнинг соҳалар кесимидаги салмоғи.

Республикамизнинг ишсизлик даражаси юқори бўлган ва меҳнат бозорида вазият мураккаб бўлган 34 та туманда 46,8 мингта иш ўрни ташкил этиш режалаштирилди. Жумладан: саноатда — 14 мингта; хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида — 8,7 мингта; қурилишда — 12,5 мингта; қишлоқ хўжалигида — 11,5 мингта иш ўринлари ташкил этилади ва бу аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бунда ҳақиқатда иш ўринлари яратиш имкони мавжуд бўлган соҳалар, тармоқлар, айниқса инвеститсион дастурлар доирасида яратиладиган янги корхоналар, шунингдек ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес соҳаларида мавжуд бўлган ички имкониятлар максимал даражада ҳисобга олинди.

Республика ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда қўшимча даромад манбаини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан фуқароларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қорамол, қўй, эчки, қуён боқиш ва гўшт етиштириш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ихчам иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек, уруғ ва кўчатлар учун микрокредитлар ажратиш ҳажмини янада оширишга берилган эътибор натижасида 2017 йилнинг 1 чораги давомида тижорат банклари томонидан кенг кўламли кредитлаш амалиётлари амалга оширилди.

Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амага оширилиши кўзда тутилган:

- аҳолининг реал пул даромадларини ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш;

- бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажмини инфляция суръатларидан юқори миқдорда изчил ошириш;

- янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш;

- меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

Ушбу дастур параметрлари инвестиция, тармоқларни ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш ва технологик жиҳатидан янгिलाш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилиши, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурлари билан ўзаро боғланган ҳолда шакллантирилган.

Биз иш билан бандлик сиёсатини ва қўйилган мақсадларга эришиш учун жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи сифатида қараб чиқамиз. Бунда иш билан бандлик сиёсатининг мақсадлари иш билан бандликни норматив ҳолатини акс эттириши керак. Ҳозирги кун муаммоларини ҳал қилиш билан бундай ҳолатга эришиш мумкин.

Иш билан бандлик сиёсати ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётидаги иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини шакллантиришга: фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва юқори турмуш даражасига

эришишнинг зарур шарти билан иш билан тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилган.

Мамлакатимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Иқтисодиётда иш ўринлари сонини кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим ўрин тутади.[1]

Бугунги кунда касаначилик соҳаси бандлик ва оила бюджети даромадларини оширишнинг кўшимча манбаига айланиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди. Айни вақтда касаначилик фуқароларни, биринчи навбатда, хотин-қизлар, айниқса, кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронлар ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш учун муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда ишчи кучи бандлиги ва аҳоли даромадларини оширишда касаначилик ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш соҳаларининг аҳамияти йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Жумладан, 2017-йилда аҳолини қишлоқ хўжалиги, хусусан пахтачилик (пахтани чопиқ қилиш, чеканка, йиғим – терим ишларида), ғаллага ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаш, пиллачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қуришиш, кадоқлаш ва консервалашда, хусусий сектордаги уй-жойлар қурилиши, шунингдек, йўл қурилиши, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларидаги мавсумий ва вақтинчалик ишларда йиллик ўртача ҳисобда 199,1 минг кишининг бандлиги таъминланиши режалаштирилган. Ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ҳамда шахсий ёрдамчи деҳқон ва томорқа хўжаликларида, ўзи-ўзини банд қилиш орқали 308,6 минг нафар аҳолининг бандлигини таъминлашга эришиш кўзда тутилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда қуйидаги манбаларни келтириб ўтиш мумкин:

- Худудларда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари (бўш иш ўринлари мавжуд корхоналар) имкониятларини ўрганган ҳолда тегишли вазифаларни амалга ошириш;
- 2017 йилга мўлжалланган мақсадли дастурлар, шу жумладан саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишдаги дастурлардаги лойиҳаларни ишга тушириш орқали иш ўринларини яратиш;
- Ўз бизнесларини ташкил этадиган коллежлар ва ОТМлар битирувчиларига мутахассислар маслаҳатларини ташкил этиш, молиялаштириш манбаларини яратиш ва бошқалар.

Юртимизда ҳар йили иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни демографик ва меҳнат бозори омилларини ҳисобга олиб ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг салоҳиятини ишга солган ҳолда бандлик дастури қабул қилинмоқда. Бугунги кунда мамлакат иқтисодиётидаги тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири, шубҳасиз, аҳоли бандлигининг таъминланганлик даражаси ҳисобланади. Зеро, одамларнинг муносиб ишга эга бўлиши жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаб, аҳолининг истеъмол қувватини оширади, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириб, уларнинг бунёдкорлик ишларида иштирокига кенг йўл очади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, иқтисодиётнинг реал секторини янада раванқ топтириш, унинг барча соҳаларини техник ва технологик модернизациялаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уй-жойлар қурилиши ҳамда қишлоқ инфратузилмасини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар пировард натижада қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, энг асосийси, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2016 йил 13-декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ялпи йиғилишида “2017 йилда аҳоли бандлиги дастури”.
2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.
3. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 7 феврал, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.